

1937 йил, 7-8 апрель

ЗУГУМ

РКП(б) МКнинг 1925 йил 18 июндаги «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати хақида» деб чиқарган қароридан кейин, адабиётда пролетариат гоёсининг гегемонлиги ва ёт мафкурага қарши курашнинг кескин қилиб қўйилиши муносабати билан Фитрат, Чўлпон каби ижодкорлар хақида адолатсиз танқидий мақолалар босила бошлади (Айн. «Ўзбек шоирлари». «Кизил Ўзбекистон» рўзномаси, 1927, 14 февраль; Комил Алиев, «Ақлли жинни». Ўша рўзнома, 1927, 12 октябрь ва бошқалар). Чўлпон бунга жавобан «сўнгги икки-уч йил орасида шоирлик ва ёшлик майллари билан» баъзи бир хатолари бўлганлиги, Москвада ўқиган вақтларида бу хатоларини тушуна бошлагани ва «Хак ҳам ҳақиқатнинг қамбағал ва йўқсуллар томонида эканига қаноат ҳосил қилганини (Чўлпон, «Эътироз». «Маориф ва ўқитувчи» ойнамаси, 1927, 12-сон) очик ёзган бўлса-да, унга бўлган хуружлар сусаймай, аксинча, тобора қучайиб борди (Усмон Ёдгоров, «Ола қаргалар». «Янги Фарғона» рўзномаси, 1930, 27 март; Олтой, «Чўлпончилик қайфиятлари билан курашайлик». «Ёш ленинчи» рўзномаси, 1930, 27 июль...)

Партиянинг 1932 йил 23 апрель қароридан қўйилган адабиётдан суриб қўйилган Абдулла Қодирий, Фитрат, Элбек каби ёзувчилар қатори, Чўлпон ҳам адабиёт майдонига тортила бошлади. Лекин бу қамқорликнинг умри унча қўзилмай, 1936 йилдан кейин, яна Чўлпон ва Фитратларни шафқатсиз қўш қилувчи мақолалар пайдо бўла бошлади. (Н. Тўрақулов. «Хамлет»га тухмат». «Кизил Ўзбекистон» рўзномаси, 1936, 27 июль; Туйғун, «Душманни битта ҳам қолдирмай қўш қиламиз», «Ёш ленинчи» рўзномаси, 1937, 6 апрель ва бошқалар). Бу дағдағали мақолалар кейинчалик маъқур адабларни ўринсиз тухмат ва ҳужумларга жавоб қайтаришга мажбур этди. Чўлпоннинг 1937 йилнинг 7—8 апрель кунлари қўзлаган бир нутқи шу жихатдан диққатга қолиқдир.

Унда Чўлпоннинг 20—30 йиллардаги ўз ижтимоий, адабий фаолияти, таржимачилик ишлари, бу соҳада бошдан қечирган қийинчиликлари, уларни англашда маъқур давр адабий танқидининг қўпол қамчиликлари, адолатсиз баҳоқар, ёшлар тарбиясидаги нуқсонлар, бадий маҳорат ва услуб қирларини эгаллаш, классиклар меросини ўрганиш ва тўғри тушуниш хақидаги муҳим фикрлари ўз аксини топқандир. Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивида қамланаётган бу нутқ хали матбуотда эълон қилинмаган. Нутқ машинкада қами 14 саҳифадан иборат. «Стенограмма выступления Чулпана на собрании писателей 7-8 апрель 1937 года», деб қўйилган. Стенограмманинг 1—5-саҳифалари рус тилида бўлиб, қолган 6—14-саҳифалари ўзбек тилида (лотин ёзувида). Мукова очилиши билан, бошланадиган биринчи саҳифадан олдин, Ўзбекистон совет ёзувчилари ноҳия қўмитаси (Сталин қўчаси, 25-уй) томонидан Чўлпон номига 1937 йилнинг 6 апрелида юборилган маҳсус хат ёпиштирилган. Унда:

«Тов. Чулпан!

При сем препровождаем стенограмму Вашего выступления на собрании писателей 7-8

апреля и просим проверить и вернуть не позже 25. IV апреля в ССПУз.

Управделами РК ССП Уз», дейилади. Чўлпон русча ва ўзбекча стенограмма матнлари билан танишиб чиккач, 14-сахифанинг оркасига ўз кўли билан сиёҳда фикрини ёзиб, санасини кўрсатади ва имзо кўяди.

Чўлпон нуткининг русча стенограммаси матнига сиёҳда баъзи жузъий тахрирлар киритган бўлса-да, ўзбекча нутк матнига калам тегизмаган. Гарчи адиб айтганидек, ўзбекча матн саводли ва малакали ёзилмаган бўлсада, бизга бирмунча батафсилроқ кўринди. Шу сабабли нашр учун асос қилиб Чўлпоннинг ўзбекча нутки матнини олиб, ундаги айрим гализ, мавхум ўринларни русча матнга солиштириб тўлдирдик. Мутлако англаб бўлмайдиган ўринларни русчасига солиштириб тўлдирдик ё, бунинг иложи бўлмаганда, ташлаб кетишга тўғри келди. Бошига энаётган катагон қиличини илгаган улуг шоиримиз сўзларидаги аччиқ киноя, ўткир истехзони зукко ўқувчи англаб олар, деган умиддамиз.

Шерали ТУРДИЕВ,

адабиётшунос

17-смена. Неъматуллина. Келгуси сўз ўрток Чўлпонга берилади.

Чўлпон: — Ўртоклар, мени кечирасизлар, мен ўзимда бўлмаган сабаб билан, доимо бошим огрик ҳолатда чиқишга мажбурман. Шунинг учун балки, истаган фикримни гапира олмасман. Мен шу ердаги ўрток Берекиннинг айтилган сўзларидаги 3 нарсани ўзимнинг жавобимни бериб кетишим керак. Кейин ўзимнинг айтатургон сўзларимни айтарман. Ўрток Берекин, хатоларимни кўрсатиб бериб, яхши иш қилди, мен шу хатоларни шу мажлисда ўз устимга оламан.

Модомики, биз ўзимизни танқид қилар эканмиз, албатта, мен ҳам ўзимнинг айбларимни бўйнимга олишим керак. Ўз-ўзини танқид қилишни шундай англаш керакки, биз ҳеч қайсимиз хатодан холи эмасмиз. Ким бўлмасин, хато қилмайман, деса бу нотўғри бўлади. Бизнинг бу мажлисларимиз ўзимизда бўлган хатоларни айтиб бериш учун чиқарилган, шунинг учун бор хатоларни айтиб, ўз-ўзимизни танқид қилишимиз керак. Бу ерда бир нарсани айтиш керак. Ёзувчилар ўртасида 2 хил хато тушунишлик бор:

1) мажлис;

2) хусусий гаплашиш.

Биз ҳамма вақт ўзаро ўтирганда, бир-биримизнинг камчиликларимизни кўрсатамиз, айтамиз. Лекин бу ерга чиққан вақтда, ҳаммамизнинг тилимиз тутилади, ҳолос. Мен бу ерда ўтрган ўртоклар орасида Уйғуннинг гапини жуда яхши тингладим. Ул кўп нарсалар айтди. Лекин шунда ҳам, Уйғуннинг айтмасдан қолдирган нарсалари кўп. Чунки, сўзлаганда айтилган нарсаларни мажлисларда чиққанда ҳам очиб ташлаш керак.

...Гулом Зафарий хусусида айтиб ўтишим керак. Бу одам мени Союз боига борган вақтда излаб келган. У кишини меникига нима учун келганликлари сабабини тушунтириб берман. Менда канд касали бор. Мен ўзимнинг касалимни тузатиш устида, Москвада ва бошқа жойларда тиббий масалаларда бўлдим, шу касалимга ҳеч қайда яхши даво топа олмаганимдан кейин, табиблар шотут ейишни тавсия қилдилар. Мен ўзимни зиёли деб ҳисоблашимга қарамай, шу маслаҳатга ишониб, Зафарийдан шу тутни олиб келишни сўраганман. У мен ухлаб қолганимдан кейин, кеч келиб, менга қирмай Сўфизоданинг олдида қирган...

Эртаси куни мени Сўфизоданикига айтиб чиқишди, биз бу ерда суҳбатлашиб ўтирдик. Шу вақт ўрток Шамс бу ишнинг ярамаслигини билдирган. Бунинг танбеҳи тўғри эди. Мана шундан кейин, улар билан учрашмадим. Бу сўздан кейин ўрток Шамс чақириб менга танбех қилган. Мен ўзимдаги қамчиликларни тугатиш учун, одамларнинг танқидига ва ёрдамига муҳтожман, деб ўрток Шамсга шу вақтда айтдим. Бу иккинчи мартаба бўлган ўзини тузатиш масаласи.

Агар бизнинг эски ҳатоларимизни шу икки-уч кундагина тузатиб одам қиламиз, десангиз ёлгон бўлади. Бизни сиз чақириб, англантиб, жамият ичига олиб қириб тузатингиз. Биз турмушга йўл солганмиз. Лекин бу йўлда қамчилик бўлса, сизлар жавобгар. Зафарий масаласи шундан иборат. Буни у вақтда ўрток Берекин билгани йўқ...

Иккинчидан цитаталар тўғрисида бир нарсани айтдилар, мен буни англамадим, билсам эдим, жавоб қайтарар эдим. Мен классик асарларни кўп ўқийман, форс шоирларининг энг гўзал нарсаларини ёзиб олганман. Шунинг баъзи бир жойларини ўқиб берман. Агар шу зарарли бўлса, мен буни бўйнимга оламан. Мен Хофиз ва бошқа шоирларнинг асарларидан ўқийман.

Энди, энг оғир масала — Чўлпон ўзини кўрсатмади, деган нозик масала.

Москвадан келганимга икки йил бўлди. Бунинг 50 процентини скидка қиласиз. Чунки, мен кўп вақт касал бўлман. Мен ярим одамликдан чиққанман, буни ҳам билиш керак. Мана 2 йил орасида мен нима иш қилдим? «Она»нинг 2 нчи бўлимини таржима қилдим. Бу тўғрида ҳаммадан мактов эшитаман. Бу ҳам биринчи бўлимча келади. Жуда катта нарсани. Ундан кейин Горькийнинг «Егор Буличев»ини, А. С. Пушкиннинг «Дубровский», «Борис Годунов»ини таржима қилдим. «Жўр» деган шеър тўпламимни топширдим. Лохутийнинг «Оврупа сафари»ни таржима қилдим. Ундан ташқари, эски шаҳарда чикатургон театру газетасига қатнашман, ундан кейин «Муштум»да ишлайман, агар сизлар шуни ҳам қам десаларингиз, мени ҳалтурага тортган бўласиз. Мен сизлардан тарбия қутама, ҳалтурага олиб боришни қутмайман. Менинг ҳатоларим кўп, лекин сизларнинг ташаббусларингиз билан, мен шу ҳатоларни тузатаман.

Энди мени 21 йилдан бери қандай тарбия қилдиларингиз? Мен ҳозирги кунгача Союзнинг аъзоси эмасман, бунинг сабабини англамайман, ариза берганимга анча вақт бўлди. Бунинг учун менинг асарларимни таҳлил қилиш керак экан, мен қолганимдан бир ой кейин «Соз» деган шеърим чиқди. Мен миллатчи бўлсам, қора бўлсам, нима учун шу асарни сўзбошисиз чиқардингиз. Бу ерда сўқиш керак эди, ёшлар Чўлпоннинг асарини

бевосита олиб ўқимасдан, восита билан ўқиши керак эди. Мен ўзим бошсўз ёзиб чикарсам бўлармиди? Бўлмас эди. Нима учун шу миллатчининг асари сўзбошисиз чикди. Ундан кейин менинг романим чикди. Роман сотилиб ҳам бўлди, ҳозир ҳеч қаерда йўқ. Бу ҳам сўзбошисиз чикди. Мана шунга ярим йил бўлди, ҳеч қаерда бир огиз бир нарса йўқ. «Ёш ленинчи»да, бир нарса ўқидим, у ҳам мактовдан иборат. Мен унга раҳмат айтмайман, чунки менга ҳеч нарса бергани йўқ. Мен Москвадан келгандан кейин, шу асарни Союзда ўқимокчи бўлдик. Биринчи мажлисда 11 киши, иккинчи маротаба 7 киши, 3-маротаба 4 киши келди. Шунда ҳам раҳбарликдан ҳеч ким бўлгани йўқ. Факат ўрток Ойдин бўлди. Мана бу ҳам эски миллатчини тарбия қилиш. Мен хато қилмасдан, ишлай олмайман. Менинг хатоларимни тузатишларингиз керак. Мен айтдимки, менга фикрларингизни айтиб беринглар, мен буни ўзим тузатиб чиқаман, дедим. Менга яширин мажозларни тузатишни топширди. Мен уни тузатиб чиқдим. Хар ҳолда шу роман босилиб чиққандан кейин ҳам шунча замон бўлди. Мана шунинг хусусида бир нарса йўқ. Шунинг учун бир кеча бу тўғрида қолиб, мени яхши танқид қилиш керак эди. Мен ҳам бир кеча қолишга рози тургон эдим, шуни мен ҳозиргача қутаман. Ҳеч нарса бўлмаётир.

19-смена. Неъматуллина.

Энди шеърлар хусусида. Мен кўлимдан келганча шеър ёзиб келаётирман. Бу баъзибир журналларда, баъзи бир газеталарда босилиб келаётибди. Мен такрор айтаман, бу шеърнинг руҳини ўзгартириш тез бўлатургон процесс эмас, шу кийинчиликни енгиб олиш керак. Бу нарса, масалан, «Соз»да озрок бўлса, «Жўр»да кўпроқ. «Октябрь инқилобини қарши олганда» тўғрисида ўрток Усмонов «дуруст», деди. Лекин босилмасдан ётади. Лекин шу чиққунча сизлар мени сўқиб турасизлар, аммо у чиққандан кейин, биров масала енгиллик топар, деб ўйлайман (қулги овозлари). Чунки, у кейингида, аввалгига қараганда, хийла ўзгаришлар бор.

Мен Москвадан келганимда, Акмал ака мени қабул қилди. Аайтдики, сиз ҳозир шеърларингизнинг ҳудожественной томонини кўйиб, кўпроқ сиёсий томонларга аҳамият беринг деб, шундан кейин сайловларга бағишлаб мен ёзиб олиб борганимда, сиз лирик томонлардан ёзмабсиз, дейишди. Бу кийин бир нарса бўлди. Лекин мен бу кийинчиликларни ҳали ўтаман. Сизнинг танқидингиз, аямаслигингиз орқасида «домулла» деб ул ёғини айтмасдан кўйишингиз орқасида мен тузаламан.

Энди икки огиз сўз «Хамлет» тўғрисида. «Хамлет» Лондонда довлугланди. У ҳақда кўп гапирдилар, лекин ҳеч қаерда таржимоннинг номини эсламадилар. Мен ўзим ҳақимда кўп гапиринглар, деб талаб қилмайман, лекин таржимонни ҳам ранжитяписизлар, ахир. Кўп вақтлар ўзим юриб, таржимага фамилиямни кўйинглар, деб юрдим. «Она»нинг таржимасида бўлса, таржимоннинг номини техник редакторнинг фамилияси қаторига қўйишган.

Яна бир нарса устида ўрток Берегинга айтаман. «Хамлет»ни менга бергандан илгари, бошқа бировга берилган экан, лекин у истамаган экан. Сўнгра «Хамлет»нинг таржимасини менга берганлар. Биз уни Уйгур билан бирга ишладик. Охирида газетага чиқдики, «Хамлет»нинг таржимаси Чўлпоннинг ҳеч бир иштирокисиз театрга чиқди, деб тўғри эмасми, Зиё ака (Зиё Саидийга қараб).

Зиё Саидий: — Уйгур билан сиз ўртангизда сўз бўлган.

Чўлпон: — Кейин араб сўзлари устида ҳам гап бўлган, лекин бу ёлгон, мен араб эмасман, мен миллатчи эмасман. Мен арабчани ёмон кўраман, курсин араб сўзлари (кулги).

«Хамлет» театрда кўйилгандан кейин, ҳамма вақт Шекспирнинг асарида таржимоннинг номи чикмайди. Москвада таржимон хусусида ҳеч бир нарсга ёзилмади. Тўғри, менинг тўғримда ёзманглар, лекин ёш ёзувчилар ёзганда, улардаги таржимоннинг номи технический редактор каторида туради. Охири, ўзларингиз ёзмагандан кейин, мен келиб таржимоннинг номини ёзингиз деб, Зиё Саидийга ялиниб юрдим.

20-смена. 2 нчи мажлис. Стеног, Шорахмедов.

Мана шу «Хамлет» ўйналиб бўлгандан кейин, «Хамлет» Ўзбекистонда, Москвада катта муваффақият қозониб турган бир вақтда, ўртоқ Назир Тўракуловнинг мақоласи пайдо бўлди. Мен русча насрий таржимадан ўнгирган бўлсам, у Лозинский таржимасини олиб, таржима ҳеч нарсга ярамайди, деб мени сўқди... Менга эса газетада ўзимни химоя қилишга керакли ўрин бермай, факат қисқача хатимни босдилар ва хатто Союзга жавоб ёзишга ҳам имкон берилмади ...Шундай сўқадики, мени «отбоқар», деб сўқади. Мени «миршаб», деб сўқади. Кейин қарасам, ўртоқ Берегиндан ҳеч бир овоз қиккани йўқ. Ахир, ўртоқ Берегин шу асарнинг редактори эди. Редактор ҳам жавобгарми, йўқми? Мен минг жойга бош урдим, хайрият, Санжар бор экан, топиб, таржиманинг оригинали бошқа эканлигини айтиб берди. Шунинг учун бу ерда редакторларга ҳам «жавобгарлик» деган сўзни тушунтириб қўйиш керак.

Энди, ўртоқлар, ёшлар ижоди хусусида бир нарсани айтмоқчиман. Хали ўртоқ Тўйгун шундай гапирди. Ўртоқ Тўйгун менга бир шеърини берди. Шу тўғрида фикрингизни беринг, мен яқинда бостираман, дейди. Мен ёлгон гапирсам, бу мажлиснинг шаънига қелишмас эди. Унинг ижоди бадиий жихатдан ихоятда паст савияда туради. Агар у вақтда шуни айтиб берсам, у мендан аразлаб қолар эди.

Ўртоқ Тўйгун бу ерда, менинг 7 та асарим бор, дейди. Мана, шу ёшларга тарбия бермаслик, хали ёш ёзувчилар — энди ёза бошлаган кишиларнинг 7 та асари бостирилади. Холбуки, ёшларга берган вақтда шу ёшлар кўтаратургон нарсга бериш керак. Битта шеър ўйлаб қелади, уни танкид қилмасдан бостира беради. Масалан, биз саноатни қайтадан қурдик. У ерга жуда сложний машиналар қелтирилган, уни квалификацияси кўтарилмаган бир рабчийга бериладими?

Шунинг учун шеърни ҳам танлаб, ўйлаб қикариш керак эди. Мен ўйлайманки, ўртоқ Тўйгун асло хафа бўлмайди. Кўпроқ уни тарбия қилиш ўрнига, хадеб шеърини нашриётга бериб бостираберган... Шунинг учун бундан кейин ёшларни ҳам текширишимиз, ҳам соз асарларни қикариш керак. Мана бунда ҳам рахбарларимизга кўпроқ сўзлашга тўғри қелади.

Энди икки огиз сўз шеър техникаси тўғрисида. Боя Уйгун тарафидан мисолга қелтирилган Ёлбекнинг формалистик тарафларини айтмоқчиман. Биз кўп шоирларнинг

шеърини олиб караган вақтимизда вазн масаласи чаток. Хатто, Г. Гуломда ҳам вазн масаласида чатокликлар учрайди, У менга «...» деган шеърини ўкиб берди. Шунда вазнни каттик бузатургон нарсалар бор. Мен шуни тузатиб чикинг десам, бу тўпламимни бериб олай, 1937 йилда чикатургон тўпламимни хатосиз чиқараман, дейди. Демак, халиги тўплам хато билан кетса мумкин эди. «Бу бўлмайди», десам: «Йўк, мен буни мана бундай қилиб айтиб бераман», дейди. «Ахир мен ҳам ўқувчиман, мени қийнаманг», дейди. Демак Гафур Гуломдек катта бир шоирларимизда ҳам шундай камчиликлар бор, лекин бу ифрот тарафига олиб бормасин.

Мана бундай хиллари ҳам бор (ўкиб беради):

..... тўкиладир,

..... сўкиладир.

«Тўкиладир» «сўкиладир» деганда шеърни ҳар хил иборага солиб беришга мажбур. Шеърда кофия, вазн керак. Лекин руҳи ҳам эсдан чиқарилмасдан бирга бориши керак. Руҳдан ажралган шеър — шеър бўлмайди. Менинг ўзимнинг қийналганим шундан бўлса керак.

2-сўз Машраб хусусида. Бу хусусда яхшн нарса чикди. Машраб ўша жамиятнинг камчиликларини каттик танқид қилган одам. Шу нарсани ҳозирга қадар ёлгон, деб қелганлар. Лекин Машраб ҳаммага тарқалди десак, газетадаги мақолалар билан қифояланиб бўлмайди. Ҳозир Союз ва (...) институт бу нарсага аҳамият бериши керак. Унда «Бухоронинг битта дарвозасини кингир деганлар кофир бўлади», деган шеър бор. Бу шеър мутавозий. Лекин кўриб туриб, ҳар хил таклифларни тўплаб, кўрсатиб, яхшилаб танқид қилиб, ундан кейингина халқнинг кўлига берилсин. Бўлмаса, халқ адашиб қолиши мумкин. Бу ёшларга ёмон таъсир қилиши мумкин.

Нашрга тайёрловчи: Ш. Турдиев

ИЗОХЛАР

Курбон Берекин (1905, Хева —1938)—Ўша йиллари Ўзкомпартия МКнинг тарғибот ва маданият бўлими мудири. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви аъзоси бўлган. Таржимон ва публицист. Сталин шахсига сизиниш даврининг курбони.

Гулом Зафарий (1889—1944) — Ўзбек совет драматурги, машхур «Халима» (1919) номли биринчи миллий мўзикали драма муаллифи. Сталин репрессияси курбони бўлган.

Хусайн Шамс (1903, Кўкон — 1943) — Совет ёзувчиси. 1936 йилдан ЎзССРЖ Ёзувчилар уюшмаси котиби бўлиб ишлаган.

Мўмин Усмонов (1904, Кўкон — 1938) — Партия ва давлат арбоби, журналист. 1926—1930 йиллари Москва Шарқ халқлари дорилфунунида ўқиган. 1931—1934 йиллари ЎЗК (б) П МК тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири бўлиб ишлаган. Репрессия

қурбони бўлган.

Зиё Саид (1901—1938) — Ўзбек совет драматурги, актёри ва журналисти. Шахсга сизиниш қурбони бўлган.

Назир Тўрақулов (1892, Қўкон — 1939) — Партия ва давлат арбоби, публицист, таржимон. Шахсга сизиниш даври қурбони.

Санжар Сиддик (Сиддиқов Босит— 1902, Тошкент — 1938) — Маххур таржимон ва журналист. Сталин шахсига сизиниш даврининг қурбони.

Туйгун (тахаллуси; асли исми Шуқуржон Худойқулов. 1908, Андижон—1979) — Шоир ва драматург. 1934—1938 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишчи муаллифлар билан ишлаш мудирини бўлиб ишлаган.